

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЛАЛИМИКОР ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

УМИРОВ НЕМАТ ЖЎРАБОВЕВИЧ

**"ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ФАКУЛЬТАТИВ НАВЛАРИНИ САРИҚ
ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ ДОНОРЛАР АСОСИДА
ЯРАТИШ"**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун

ТАҚДИМОТИ

Илмий раҳбар, қ.х.ф.д., профессор

А.А.Аманов

ТОШКЕНТ – 2023

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) тақдимоти аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугдой дунёда асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири ҳисобланиб, инсон организми учун кунлик эҳтиёжнинг 20 % ҳисобида энергиясини таъминлайди. Бундан ташқари бугдой ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг асосий оқсил манбаи ҳисобланади. Аҳолининг тез ўсиши ҳисобига бугдойга бўлган талаб 2050 йилга келиб 60 % гача ошиши кутилмоқда. Келгуси ўн йилликларда бугдой ҳосилдорлигини ошириш ҳозирги қишлоқ хўжалигининг энг муҳим мақсадларидан бири бўлиб, келажак авлоднинг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Бугдой ҳосилдорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимларини такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий этиш, яхшиланган бугдой навларини яратиш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунёдаги селекционер олимлар томонидан аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан бугдойнинг занг касалликларига чидамли бўлган навларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Глобал иқлим ўзгариши натижасида касалликларнинг тез тарқалиши кузатилиб, бошоқли дон экинларига катта зиён келтириши оқибатида қимматли хўжалик белги ва хусусиятларига эга навларнинг ҳосилдорлиги ва дон сифатига салбий таъсир этмоқда. Бу муаммолар ечимини топишда юмшоқ бугдойнинг сариқ занг касаллигидан ҳимоя қилишнинг энг самарали, иқтисодий ва экологик хавфсиз усули бўлган чидамли навлардан фойдаланиш, патоген популяцияси ичидаги ўзгарувчанликка чидамли генлар ва донорларни аниқлаш бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида юмшоқ бугдойнинг ташқи муҳит ноқулай омилларига, занг касалликларга чидамли бўлган нав ва намуналарини танлаш ҳамда улар асосида дон ҳосилдорлиги юқори бўлган янги маҳаллий навларини яратиш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермер хўжаликлари даромадини камида 2 бароварга ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” ҳамда маҳсулот таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, ғалладан 70 центнер ҳосил олишга эришиш мақсад қилиб олинган, ушбу вазифалардан келиб чиқиб биологик эскирган навлар ўрнига серҳосил, эртапишар ва дон сифати юқори бўлган касаллик ва заракунандаларга чидамли бўлган янги бугдой навларини яратиш, улар асосида оригинал уруғчиликни ривожлантириш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ - 959-сон «Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742 –сон

“Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида” ги фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ 60- сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони ва бошқа мазкур фаолиятга доир меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нингасосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг № ИТД-8. “Ўсимлик, микроорганизмлар, патогенлар ва ҳайвонлар генофондини сақлаш, қишлоқ хўжалик экинларининг янги юқори ҳосилли навларини ва юқори маҳсулдор ҳайвон зотларини яратиш” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли буғдой касалликлари генетикаси, селекциясига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ICARDA (Уммон), CIMMYT (Мексика), Н.И.Вавилов номидаги Бутунроссия ўсимликлар генетик ресурслари институти, Россия Ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институтларида олиб борилмоқда. Юмшоқ буғдой навларининг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари ва касалликларига чидамли, юқори ҳосилли янги навларини яратиш бўйича И.Г.Одинцова, Г.В.Волкова, И.И.Моцный, Т.Н.Ковель, М.Койшибоев, Ш.С.Рисалиев, А.Кохметова, Д.Ламмер, К.Кай, С.Джонс, Омар Яхёвий, М.Кинажи, С.Ражарам, Р.Шарма, Е.Р.Ибрагимов, С.М.Мамадова ва бошқалар томонидан жуда катта ютуқларга эришилган.

Республикада буғдой касалликлари бўйича бошланғич манбалар ва янги навларини яратиш учун М.Н.Запрометов, Т.Кварцова, М.Р.Балантаева, Х.А.Ишанкулов, Г.К.Байгулов, А.А.Питоня, А.А.Аманов (1986), В.Хохлачева, Б.А.Хасанов, С.К.Бабоев, Х.С.Тўракулов, З.М.Зиёевлар томонларидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу кунгача юмшоқ буғдойнинг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил янги навларини яратиш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида суғориладиган майдонларда экиш учун Дўстлик, Ёнбош, Замин-1, Истиқлол-20, Ғозғон, Ёғду, Бунёдкор, Давр, Бардош, Яксарт, Аср навлари Давлат реестри рўйхатига киритилган.

Бироқ, Республикада сўнгги йилларда бошоқли дон экинларининг ривожланиш босқичларида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ўсимликнинг гуллаш, дон тўплаш ва тўлишиш жараёнларига жиддий таъсир этиши билан бирга занг касалликларининг тез-тез кузатилиши натижасида аксарият юмшоқ буғдой навларининг юқори ҳосил бериш имконияти билан бирга дон сифат кўрсаткичларининг ҳам пасайишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда иқлимнинг глобал ўзгариши рўй бераётган даврда иссиқлик ва сариқ занг касаллигига чидамли, дон ҳосили юқори бўлган юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар ишлари дастуридаги №ҚХА-10-135-V «Тўпланган бошоқли дон экинларининг ташқи муҳитнинг ноқулай иқлим шароитларига мосланишини ўрганиш, уларнинг морфологик белгилари бўйича системага солиш ҳамда сақланаётган бошоқли, дуккакли, мойли ва ем-хашак экинларининг коллекциясини янада бойитиш» (2009-2011) ва №ҚХА-8-051-2015. “Республиканинг суғориладиган майдонлари учун ноқулай шароитларига (иссиққа, қурғоқчиликка, шўрга, каслликка ва сувсизликка) чидамли, серҳосил, дон сифати юқори юмшоқ буғдой навларини яратиш” (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқот ишининг мақсади. Юмшоқ буғдойнинг сариқ занг касаллигига чидамли донорларини танлаш, ҳар ҳил генотип ва экотипда ажратилган занг касаллигига чидамли бўлган манбаларини селекция жарёнларига қўллаш асосида юмшоқ буғдойнинг юқори ҳосилли янги факультатив навларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- келиб чиқиши турли экологик-географик минтақаларга мансуб бўлган хорижий юмшоқ буғдой нав намуналарининг сариқ занг касаллигига чидамлилигини сунъий касаллантириш майдонида аниқлаш;

- суғориладиган майдонларда юмшоқ буғдойнинг сариқ занг касаллиги билан касалланиш даражасини аниқлаш ҳамда касаликка чидамли донорларни танлаш;

- донор сифатида танлаб олинган намуналар ва маҳаллий навлар ўртасида дурагайлаш ишларини олиб бориш, дурагай авлодларда чидамлилик белгиларнинг наслдан наслга ўтиш қобилятини аниқлаш;

- танлаб олинган сариқ занг касаллигига чидамли авлодларнинг морфологик, биологик хусусиятлари ҳамда қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш;

- суғориладиган майдонларга экиш учун сариқ занг касаллигига чидамли, юқори ҳосилли, дон сифати юқори янги факультатив типдаги юмшоқ буғдой навларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли экологик-географик гуруҳларга мансуб бўлган янги хорижий юмшоқ буғдой нав намуналари ва маҳаллий Унумли буғдой, Замин-1, Санзар-8 навлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ҳаво ҳарорати ва ташқи муҳит ноқулай шароитларига чидамлилигини ўсимликлар ўсиш-ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Дала тажрибаларини олиб бориш қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан қабул қилинган (1985, 1989) ва буғдойнинг морфологик, биологик ва хўжалик белгиларини баҳолаш, фенологик кузатишлар, касалликларга чидамлиги Бутуниттифок Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти (Классификатор Рода *Triticum*

aves., 1986) ва Оналик ўсимликларни кастрациялаш умумий қабул қилинган (Лукьяненко, 1973) услублар асосида, бошоқларни чанглатиш твел — услуби (twell-method) (Мережко ва б., 1973) асосида, ўсимликларнинг касалланиши ва чидамлилигини ҳисоблашдан олинган ҳақиқий нисбати умумий қабул қилинган формула ВИР услубий кўлланмаси (1989) асосида ҳисобланиб, тажрибалардан олинган маълумотларни дисперсион математик таҳлил қилиш Б.А.Доспехов (1985) услублари бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориладиган майдонларда экиш учун ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари ва сариқ занг касаллигига чидамли юмшоқ буғдой навларини яратишда географик келиб чиқиши турлича бўлган хорижий янги нав намуналарининг маҳсулдорлиги, эртапишар, иссиқликка ҳамда касалликларга чидамлиги каби белги ва хусусиятларига эга янги бошланғич донорли манбалар танланган;

юмшоқ буғдойнинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган занг касалликларига бардошли “Саъд-2010” нави яратилган;

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлиги томонидан селекция ютуғига патент олинган (№ NAP 00329), бунда бошқа шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари томонидан патент олиш ёки фойдаланиш учун тақдим этилмагани тасдиқланган;

янги яратилган юмшоқ буғдой навлари иссиқлик ва касалликларга чидамлилиги, суғориладиган майдонларда етиштиришга мослиги, экишга тавсия этилган навларга нисбатан ҳосилдорлиги 10-15 ц/гага юқорилиги, дон таркибидаги оқсил миқдори 1,5 % юқори эканлиги билан бошқа навлардан янгилиги тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Суғориладиган майдонларда экиш учун ташқи муҳит ноқулай омилларига ва касалликларга чидамли, серҳосил, дон сифати юқори юмшоқ буғдойнинг “Саъд-2010” навларига (№ NAP 00329) патент олинган;

тадқиқот ишлари натижасида сариқ занг касаллигига чидамли донор сифатида танлаб олинган К-429286, К-429292 ва К-929696 нав намуналари асосида яратилган “Баҳор-1” (Санзар-4 х К-429286), “Семуруғ” (Унумли буғдой х К-929696), “Истиклол-20” (Крошка х (Унумли буғдой х К929696), “Кипчоқ сув” ((Маржон х К-429286) х Санзар-8) навлари 2020 йилдан бошлаб Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг суғориладиган ерларида истиқболли нав сифатида экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри рўйхатига киритилган;

юмшоқ буғдойнинг янги “Саъд-2010” нави 2021 йилда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Зафаробод, Дўстлик туманлари ва Сирдарё вилоятининг Гулистон, Сайхунобод, Ховос ва Боёвут туманларида 29,5 гектар майдонда жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибаларини хар йилги апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий-тадқиқот ишлари

математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган майдонларда юмшоқ буғдойнинг келиб чиқиши турли экологик-географик гуруҳларга мансуб бўлган хорижий янги нав намуналарига баҳо бериш асосида иссиқлик ва касалликларга чидамли, дон сифати юқори нав ва намуналар танлаб олиниб, нав яратиш жараёнининг кейинги босқичларида донор сифатида қўлланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юмшоқ буғдойнинг хорижий нав намуналаридан касалликка чидамли, комплекс белги ва хусусиятларга эга бўлганларини чатиштириш орқали янги навлар яратилганлиги ва республикаимизнинг суғориладиган майдонлари учун истиқболли навлар сифатида Давлат реестри рўйхатига киритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳар хил эколого-географик гуруҳларга мансуб янги хорижий юмшоқ буғдойнинг нав намуналари, тизмалари ва навларини кўп йиллар давомида селекция жараёнининг барча босқичларида ўрганиш, баҳолаш ва танлаш асосида:

юмшоқ буғдойнинг сариқ занг касаллигига чидамли «Саъд-2010» нави яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлиги томонидан селекция ютуғи сифатида патент (№NAP 00329) берилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги № 02/23-04/1338 -сонли маълумотномаси*). Натижада, яратилган янги навнинг занг касалликларига чидамлилиги хисобига “Замин-1” (андоза) навига нисбатан ҳосилдорлиги 11,4-14,0 ц/га юқори бўлган;

буғдойнинг “Саъд-2010” нави Жиззах вилоятининг Зафаробод тумани “Зафаробод ишончи” фермер хўжалигида 4,0 гектар, Дўстлик тумани “Канонбобоб элита уруғчилик” фермер хўжалигида 3,5 гектар ва Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида 7,0 гектар, жами 14,5 гектар майдонга жорий этилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги № 02/23-04/1338 -сонли маълумотномаси*). Натижада, юмшоқ буғдойнинг сариқ занг касаллигига чидамли «Саъд-2010» нави парваришланганда етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар “Замин-1” (андоза) навига нисбатан 350,0-400,0 минг сўм/га кам сарф қилиниб, рентабеллик даражаси юқори бўлган;

юмшоқ буғдойнинг “Саъд-2010” нави Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида “Элибоев Азизбек” фермер хўжалигида 6,0 гектар, Гулистон тумани “Бахмалсой файзи” фермер хўжалигида 3,0 гектар, Сайхунобод тумани “Тўрамирза Рустамович” фермер хўжалигида 3,0 гектар, Ховас тумани “Янгиер агрогибрид” фермер хўжалигида 3,0 гектар, жами 15,0 гектар майдонда жорий қилинган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 17 март 2022*

йилдаги № 02/23-04/1338 сонли маълумотномаси). Натижада, 63,1-65,7 ц/га дон ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 36,2-39,8 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтлари томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилган ҳамда ҳар йили институтнинг Илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 6 та, жумладан 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси нуфузли хорижий журналларда, 14 та Республика ва хорижий илмий конференция тўпламларида нашр қилинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Дунёда ҳар йили сариқ занг касаллиги буғдой ҳосилининг катта йўқотилишига олиб келади.

Ўзбекистон иқлим шароити ўзгарувчан бўлиб, қишлоқ хўжалик экинлари учун қурғоқчил, оптимал, серёғин йиллар кузатилиб туради. Об ҳаво серёғин келган йилларда сариқ занг касаллиги бошқоқли дон экинларини зарарлайди. Буғдойни сариқ занг касаллигидан ҳимоя қилишнинг энг самарали, иқтисодий ва экологик хавфсиз усули чидамли навлардан фойдаланиш бўлиб, уларни танлаш сариқ занг популяциянинг ўзгаришларига чидамли генлар ва донорларни самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ушбу муаммо ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида юмшоқ буғдойнинг ташқи муҳит ноқулай омилларига касалликларга чидамли бўлган нав намуналарини танлаш ҳамда улар асосида дон ҳосилдорлиги юқори янги маҳаллий навларини яратиш муаммоларни ечишнинг аниқ йўналиши ҳисобланади.

Юмшоқ буғдойнинг сариқ касаллиги ривожланиши учун шарт шароитлар, касаллик белгилари ва зарари. Сариқ занг касаллигини кўзгатувчи халтачали замбуруғ синфига (*Bazidiomycetes*) мансуб, кичик синфи гетеробазидал (*Neterobazidimycetidae*), оиласи *Pucciniactae*, тур *Puccinia*. На пшенице развивается желтая ржавчина (*Puccinia striiformis* West. f sp. *tritici* Er. et Henn).

Сариқ зангнинг ривожланиши 5 босқичдан иборат. 0- спермогонии ёки спермация; I – баҳорги босқичи эцидии ёки эцидиоспора; II – ёзги босқичи уредостадия ёки уредоспора; III – қишги босқичи телейтостадия ёки телейтоспора ва IV – базидии с базидиоспора. Буғдой ва бошқа бошқоқли дон экинларига касаллик кўзгатувчи уродаспролари, телейтоспоралари

ҳисобланади. Сарик зангнинг спермогони оралиқ хўжайин ўсимлиги топилмаган.

Юмшоқ буғдойнинг сарик занг касаллиги республикаимиз иқлим шароитида буғдой учун сарик занг касаллигининг зарари қўнғир занг касаллигига қараганда хавфлироқдир. Касаллик белгилари: сарик занг замбуруғлари баргларда узун қатор-қатор жойлашган, сарик доғлар ҳосил қилади. Бу касалликни экинларга тарқалиши ва қишлаши қўнғир зангдан фарқ қилмайди.

Сарик занг спораларининг ривожланиши учун минимал ҳарорат 0 ва 1⁰С атрофида, оптимал ҳарорат 11-13⁰С, максимал ҳарорат 23 - 25⁰С бўлади. Оптимал ҳароратда зарарланиш 3 соат ичида рўй беради. Сарик зангнинг буғдой барглари тўқималарида 12 - 22⁰С ҳароратда барг юзасида споралар ҳосил қилиб, ўсимлик баргида тарқалишининг ўртача тезлиги суткасига 2,5-2,9 мм.ни ташкил қилади.



1-расм. Сарик занг касаллиги билан зарарланиши

Сарик зангга чидамли ва чидамсиз навларда касалликнинг зарар келтиришини аниқлаш. Таҷрибалар сунъий касаллантириш майдонида олиб борилди (1-жадвал).

Зангдан зарарланган ўсимликларда битта бошоқда дон соннинг кам миқдорда камайиши, ҳар бир ўсимликда дон оғирлиги ва 1000 дона вазни кўпроқ миқдорда камайиши кузатилди. Бир бошоқда донлар сони 6-17% га камайиши, сарик зангга биров берилувчан Замин-1 нави ва касалликка ўта берилувчан Унумли буғдой навларида пуч дон ҳосил бўлиши аниқланди.

Юмшоқ буғдойнинг Унумли буғдой навининг сунъий касаллантириш майдонида сарик занг касалигига билан 80-100 % касалланиши натижасида ўсимликнинг маҳсулдор тупланишига, битта бошоқдаги дон сони ва дон вазн оғирлиги 65,6 % гача, 1000 дона дон вазни 56,7 % гача соғлом ўсимлик дони ва 1000 дона вазнига нисбатан камайиши аниқланди.


Юмшоқ буғдойнинг Санзар-8 навининг сунъий касаллантириш майдонида сарик занг касалигига билан 60% касалланиши натижасида ўсимликнинг маҳсулдор тупланишига, битта бошоқдаги дон сони ва дон вазн оғирлиги 34,8 % гача, 1000 дона дон вазни 29,4 % гача соғлом ўсимлик дони ва 1000 дона вазнига нисбатан камайиши аниқланди.

1- жадвал

Юмшок бугдой навларининг сарик занг касаллиги билан зарарланиши

	Махсулдор тупланиш (дона) (M+m)	Бошокдаги донлар сони (дона)(M+m)	1-таўсимликдаги дон оғирлиги (г) (M+m)	Ҳосилнинг камайиши (%)	1000 дона дон вазни (г) (M+m)	1000 дона дон вазнида ҳосилнинг камайиши (%)	Касалланиш даражаси (%)
Унумли бугдой	3,9±0,45	38,3±1,11	2,72±0,33	65,6	16,9±0,27	56,7	80-100
	4,6±0,28	44,6±1,40	7,91±0,27	0,0	39,1±0,45	0,0	0,0
Санзар-8	4,6±0,49	53,8±1,65	5,92±0,31	34,8	36±0,41	29,4	60
	5,1±0,50	58,5±1,39	9,08±0,74	0,0	51±0,54	0,0	0,0
Истиклол-20	4,8±0,44	54,4±1,90	9,86±0,62	0,0	52,5±0,20	0,0	5,0
	4,8±0,36	56,0±1,29	10,1±0,54	0,0	52,0±0,15	0,0	0,0
Саъд-2010	4,3±0,26	43,6±1,20	7,68±0,21	0,0	38,4±0,53	0,0	10,0
	4,4±0,23	48,0±1,03	8,14±0,17	0,0	39,7±0,47	0,0	0,0

Юмшок бугдойнинг Истиклол-20 ва Саъд-210 навларида сунъий касаллантириш майдонида сарик занг касалигига билан 5-10 % касалланиши натижасида ўсимликнинг махсулдор тупланишига, битта бошокдаги дон сони ва дон вазн оғирлиги ҳамда 1000 дона дон вазни 1,1% дан 4,2% гача соғлом ўсимлик дони ва 1000 дона вазнига нисбатан камайиши аниқланди.



2-расм. Сарик занг касалигига чидамли нав намуналар.

Юмшоқ бугдойнинг географик келиб чиқиши турли хил бўлган нав намуналарининг сарик занг касалигига чидамлиги. Тажрибаларда турли йилларда сунъий ва табиий фонда географик келиб чиқиш турли хил бўлган жаҳон коллекциясидан 2143 та нав намуналари сарик занг касаллигига чидамлилиги ўрганилди.



1-диаграмма. Нав ва намуналарнинг келиб чиқиш марказлари.

Ушбу нав намуналарнинг келиб чиқиши Марказий ҳам дўстлик мамлакатлари (349 та), Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатлари (260 та), Дунай бўйи мамлакатлари (180 та), Болқон мамлакатлари (88 та), Жанубий ва Ғарбий Осиё мамлакатлари (40 та), Шарқий Осиё мамлакатлар (29 та), Шарқий ўрта ер денгизи мамлакатлари (47та), Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари (918 та) ва Эфиопия мамлакати (232та) ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра 2143 та нав намуналаридан 62 таси сарик зангга ўта чидамли яъни иммунӣ (зарарланиш даражаси 0 балл) ҳисобланиб, умумий нав намуналар сонининг 2% ни, 129 таси сарик занг касаллигига 10% гача касалланиши чидамли (1 балл) ҳисобланиб, умумий нав намуналар сонининг 5%ни, 488 таси сарик зангга чалиниши 20% гача ташкил этиши кучсиз чидамли (3 балл) ҳисобланиб, умумий нав намуналар сонининг 18 % ни, ва қолган 1484 та нав намуналар касалланиш даражаси 20% дан-100 %

гача бўлганлиги сабабли чидамсиз, кучсиз сидамсиз ҳамда ўта чидамсиз эканлиги аниқланди (2-диаграмма).

Илмий тадқиқот натижасида Марказий ҳамдўстлик мамлакатлардан (Россия, Украина, Белоруссия), АҚШ, Мексика, Англия, Франция, Германия, Болгария, Венгрия, Руминия ва Эфиопия мамлакатларидан келтирилган нав намуналари сариқ зангга чидамли аниқланди.



2-диограмма Юмшоқ буғдой жаҳон коллекция нав намуналарининг сариқ занг касалигига чидамлилиги

Юмшоқ буғдойда занг касаллигига чидамлилиكنинг ирсийланиши. Ўсимликларнинг занг касалликларига чидамлилигини генетик ўрганиш ишлари Мендал қонунларининг иккинчи бор қайта очилишидан кейин бошланди.

Тадқиқотлар Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг илмий тажриба маркази участкаларида олиб борилади. Тажрибаларда юмшоқ буғдойни сариқ зангга билан сунъий зарарлаш Э.Э Гешеле услубида олиб борилди.

Тажрибаларни олиб бориш она ўсимликлар кастрацияси умум қабул қилинган методика асосида ўтказилди. Тайёрлаб қуйилган бошоқлар твелл - метод (Twell-method) билан чанглатилди. Гибридологик анализ ва зангга чидамлилиكنи баҳолаш БЎИТИ методик кўрсатмаларига кўра ўтказилди.

Тажриба маълумотларига математик ишлов бериш дисперсион анализ методи билан ўтказилди.

Илмий тадқиқотда юмшоқ буғдойнинг Эфиопиядан келтирилган (И-429453, И-429289, И-429285, И-429696, И-429653, И-429454, И-429280, И-429249) ва Мексикадан келтирилган коллекцион намуналар (И-489648, И-489296, И-489317) намуналарининг чимдамлилиқ генетикасини ўрганиш учун чатиштирилларда сарик зангга чидамсиз «Унумли буғдой» навидан фойдаланилди.



3- расм. Э.Э Гешеле услибида сунъий касаллантириш майдони, касаллик ривожлангандан сўнг кўриниши

Юмшоқ буғдойнинг сарик зангга чидамли И-489648 нав намунаси чидамсиз «Унумли буғдой» тестер нави билан чатиштирилганда олинган F_2 авлодида 164 та дурагай ўсимликлар таҳлилида ажралиш 120 та чидамли ва 44 та чидамсиз (3:1) нисбатда бўлди. $\chi^2=0,29$ га тенг, Мендел қонунларига кўра, кутилган фенотиплар нисбатига ўзгартишлар киритилмади, чунки чидамли нав тўла-тўқис имунний яъни чидамли бўлиб чиқди, чидамсиз эса, 20% дан 100% гача зарарланди. Олинган нисбатлар И-489648 навида 1 та доминант ген бор деб тахмин қилинган натижага тўғри келади (жадвал-3).

Юмшоқ буғдойнинг сарик зангга чидамли И-429453 нав намунасини чидамсиз «Унумли буғдой» тестер нави билан чатиштириб олинган F_2 авлод 115 та дурагай ўсимликларида белгилар: 91 та чидамли ва 24 та чидамсиз нисбатда ажралган. Ажралишдаги нисбат кутилган натижани такрорлайди: 3 та чидамли ва 1 та чидамсиз, $\chi^2 = 0,25$ га тенг. Бу ажралиш И-429453 нинг доминант генга эга эканлигини кўрсатди.

Юмшоқ буғдойнинг сарик зангга чидамли И-429304 нав намунаси чидамсиз «Унумли буғдой» нави билан чатиштирилганда олинган 103 та F_2 дурагай ўсимликларида ажралиш 13:3 нисбатда бўлиб, бу битта сарик зангга нисбатан доминант, иккинчиси рецессив бўлган 2 та дубликат генларнинг ўзаро таъсири оқибатидир.

Юмшоқ буғдойнинг сариқ зангга чидамли И-429289 нав намунаси чидамсиз тестер билан чатиштирилганда 106 та F_2 дурагай ўсимликларида ажралиш 61 та чидамли, 47 та чидамсиз ёки 7:9 нисбатда ажралди. ($\chi^2=0,001$) Олинган натижалар навда 2 та рецессив чидамлилики гени бор деб тахмин қилиш имконини беради.

3-жадвал

Сариқ занг касаллигига чидамли намуналарнинг чидамсиз тестерлар билан чатиштиришдан олинган F_2 дурагайлариининг чидамли ва чидамсиз фенотипларида ажралиш кўрсаткичлари

Комбинациялар	Инфекцион материал	Фенотиплар нисбати		χ^2
		ҳақиқатда	кутилган	
И-489648Х Унумли буғдой	популяция	120:44	3:1	0,29
Унумли буғдой Х И-429453	популяция	91:24	3:1	1,05
Унумли буғдой Х И-429304	популяция	85:18	13:3	0,11
И-429289 Х Унумли буғдой	популяция	61:47	9:7	0,00
Унумли буғдой Х И-429289	популяция	154:107	37:27	0,15
Унумли буғдой Х И-429286	популяция	147:50	3:1	0,02
И-429286- Унумли буғдой	популяция	171:58	3:1	0,01
Унумли буғдой Х И-429696	популяция	168:52	3:1	0,22
Унумли буғдой Х И-429653	популяция	147:42	3:1	0,78
И-429696 Х Унумли буғдой	популяция	126:34	3:1	1,20
И-429558 Х Унумли буғдой	популяция	86:23	3:1	0,88
Унумли буғдой Х И-489296	популяция	46:3	15:1	0,00
И-429453 Х И-429289	популяция	104:9	15:1	0,57
И-429453 Х И-429286	популяция	77:8	15:1	1,45
И-489648 Х И-429304	популяция	119:6	15:1	0,45
И-489648 Х И-429454	популяция	96:16	13:3	1,47
И-489648 Х И-429289	популяция	109:9	15:1	0,38
И-489648 Х И-429286	популяция	87:5	15:1	0,10
И-429304 Х И-429453	популяция	99:9	15:1	0,80
И-429304 Х И-429282	популяция	87:9	15:1	1,60
И-429304 Х И-429459	популяция	77:8	15:1	1,45
И-429289 Х И-429286	популяция	182:17	15:1	1,79
И-429289 Х И-429653	популяция	165:12	15:1	0,08

Юмшоқ буғдойнинг сариқ зангга чидамли И-429286 билан чидамсиз «Унумли буғдой» нави чатиштирилиб олинган 227 та дурагай ўсимликларидан 171 чидамли ва 57 чидамсиз нисбатда ўсимликлар ажралган (3:1 нисбат, $\chi^2=0,37$) аниқланди. Мендель қонунларидан четга чиқиб, бу комбинацияга бироз тузатишлар киритилди, чунки чидамли нав тўлиқ иммун эмас эди: 25 дан 100% гача зарарланган. Олинган натижалар навда 1 та доминант сариқ зангга чидамлилики гени бор деб тахмин қилиш имконини беради.

Юмшоқ буғдойнинг сариқ зангга чидамли И-429696 х «Унумли буғдой» дурагай комбинациясида назарий кутилган ажралишлар содир бўлди: 126 чидамли ва 34 та чидамсиз ($3:1$, $\chi^2=0,11$). Мендел конунларидан четга чиқиб, бу комбинацияга ўзгартишлар киритилди, чунки абсолют чидамли нав 25-100% гача зарарланадиган чидамсиз нав ҳам бўлиб чиқди. Олинган натижалар нав 1 та доминант сариқ зангга чидамлилиги генига эга деб тахмин қилиш имконини беради.

Юмшоқ буғдойнинг сариқ зангга чидамли И-429558 х «Унумли буғдой» дурагай комбинациясида 109 та F_2 дурагай ўсимликларида ажралиш назарий кутилган ажралишлар содир бўлди: 86 чидамли ва 23 та чидамсиз ($3:1$, $\chi^2=0,88$). Бу ажралиш И-429453 намунасида 1 та доминант сариқ зангга чидамлилиги генига эга деб тахмин қилиш имконини беради.

Юмшоқ буғдойнинг сариқ зангга чидамли И-429453 ва И-429286 нав намуналарида 2 та мустақил чидамлилиги генлари намоён бўлади. Тажрибаларда 104 та чидамли ва 9 та чидамсиз фактик нисбат кутилган 15 чидамли ва 1 чидамсиз нисбатга мос тушган. $\chi^2=0,56$. Олинган маълумотлар асосида, кўп комбинацияларда чатиштиришларнинг сезгир компоненти ўрганилаётган навлардаги чидамлилиги генларининг намоён бўлиши учун кўпроқ таъсир қилди, деб хулоса қилиш мумкин.

Тадқиқот натижасида 2 та мустақил доминант чидамлилиги генларига эга намуналар гуруҳи ажратиб олинди. Чидамлилигининг 2 та доминант генлари И-429286 намунасида; 1 та доминант чидамлилиги генлари И-429453 намунасида; 1 та доминант ва 1 та рецессив чидамлилиги генлари И-429304 намунасида ва 2 та рецессив чидамлилиги генлари-И-429289 намунасида аниқланди.

Юмшоқ буғдойнинг сариқ зангга чидамлилиги характери ўрганилганда, касалликларга чидамсиз «Унумли буғдой» навини чидамли навлар билан чатиштиришдан олинган дурагайларнинг ажралиш кўп ҳолларда $3:1$ нисбатда рўй бериши аниқланди.



4-расм. Дурагайлаш ва якка танлаш кўриниши.

Юмшоқ буғдойнинг “Саъд-2010” навининг яратилиши

Юмшоқ буғдойнинг “Саъд-2010” навини яратишда она ўсимлик сифатида иссиқликка чидамли маҳаллий шароитга мослашган “Маржон”

нави ва ота ўсимлик сифатида ва иссиқликка, шўрга ва сариқ занга чидамли бўлган К-429282 Эфопия намунасида (♀Маржон х ♂ К-429282) фойдаланилган (4-жадвал).

4-жадвал.

Дурагайлашда фойдаланилган (ота-она) навларнинг қисқача тавфсифи

♀ Маржон(Ўзбекистон)	♂ К-429282(Эфопия)
Ўртапишар Узун бўйли Бошоғи йирик цилиндрсимон Иссиликқа ўртача, шўрга ўта чидамсиз 1000 дона дон вазни – 42-45 г Қўнғар занг касаллигига чидамли, сариқ занга чидамсиз Ҳосилдорлиги ўртача	Ўртапишар Ўрта бўйли Бошоғи йирик лацетсимон Иссиқликка ва шўрга чидамли 1000 дона дон вазни - 40-42 г Сариқ занг касалигига чидамли Ҳосилдорлиги юқори

Юмшоқ буғдойнинг янги "Саъд-2010" навини яратиш жараёни бир неча йиллар давом этди ҳамда мавжуд навларни синаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилди (5-жадвал).

5-жадвал.

“Юмшоқ буғдойнинг янги "Саъд-2010" навининг яратилиш схемаси

№	Кўчатзорлар номи	Йиллар
1	Чатиштириш(♀ Маржон х ♂ К429282)	2006й.
2	F ₁ -F ₃ дурагай авлодларини ўрганиш	2007-2009 йй.
3	Якка 56 та ўсимликлар танлаб олинган	2010 й.
4	селекция майдони	2011й.
5	2 йил селекция майдони	2012 й.
6	Назорат майдони	2013-2014 йй.
7	Рақобат нав синаш майдони	2015-2018 йй.
8	Давлат нав синови	2018-2020 йй.
9	Давлат реестрига киритилди	2020 й.

6-жадвал.

Селекция ютуғига патент олинган юмшоқ буғдойнинг “Саъд-2010”нави тавсифи

Юмшоқ буғдойнинг Саъд-2010 нави (♀ Маржон х ♂ К429282) дурагай комбинациясида якка танлаш натижасида кейинги босқичларда назорат ва нав синаш кўчатзорларида ҳамда суний яратилган инфекцион фонларда занг касалликларига чидамлилиги бўйича бахоланди. Нав қилтиқли буғдой бўлиб,

дони қизил узунчоқ шаклда, йирик, пояси ўрта бўйли, калин баққувват, ётиб қолишга чидамли, кузда ва баҳорда экишга мўлжалланган.

“Саъд-2011” нави Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида яратилган. Нав муаллифлари: Сиддиқов Р.Э. , Умиров Н.Ж, А.Хайитбоев, ЖўраевМ. Навнинг моорфологик, биологик ва хўжалик белгилари кўрсаткичлари			
Ўсув даври, кун	-	226	
Ўсимлик бўйи, см	-	93,0-97,0	
Бошоқ узунлиги см	-	9,0-11,0	
1 та бошоқдаги дон сони, дона	-	54-58	
Занга касаллигига чидамлиги	-	Юқори	
Дон ҳосилдорлиги, ц/га	-	65,5 -70,8	
1000 дон дон вазни, г	-	42,0-45,0	
Дон ҳажм оғирлиги, г/л	-	782-797	
Дон таркибидаги оқсил миқдори, %	-	12,2-12,8	
Дон таркибидаги клейковина миқдори %	-	29,3-30,6	
Навнинг келиб чиқиши: “Саъд-2010” нави оддий чатиштиришусули билан яратилган. 2020 йилда давлат реестрига киритилди.			

2021 йил илмий- тадқиқот даврида нав намуналар ҳосилдорлиги 22,0 дан 70,5 ц/гани, ўртача ҳосилдорлик 46,7 ц/гани ташкил этди. Андоза Замин-1 навида ўртача 59,0 ц/га ташкил қилди. Андоза Замин-1 навиға нисбатан №23 (20- HTSBWON) 61,5 ц/га, №35 (20- HTSBWON) 62,2 ц/га, №48 (20- HTSBWON) 75,5 ц/га, №55 (20- HTSBWON) 64,3 ц/га, №57 (20- HTSBWON) 62,4 ц/га, №62 20- HTSBWON № 9826 (61,0 ц/га), №68 (20- HTSBWON) 69,7 ц/га, №70 (20- HTSBWON) 63,2 ц/га, №71 (20- HTSBWON) 70,0 ц/га №73 (20- HTSBWON) 79,4 ц/га, №80 (20- HTSBWON) 65,3 ц/га, №82 (20- HTSBWON) 70,6 ц/га нав намуналари 2,0-20,4 ц/га юқори ҳосил бериши аниқланди (7-жадвал).

